

Мұхаммад Аминхұја Мұқимий (1850-1903)

Мұқимий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мұхаммад Аминхұја Мирзахұја ўғли) (1850 — Құқон — 1903.25.5) — шоир ва мутафаккир. Үзбек демократик адабиети асосчиларидан. Отаси тошкентлик, онаси Ойшабиби хұжандык бўлиб, Құқонда яшаганлар.

Мұқимий бошлангич маълумотни маҳалласидаги мактабда олган. Онаси Мұхаммад Аминхұјада шеъриятга ҳавас уйғотган. Мұқимий Құқондаги Нодира бино қылдирған «Моҳлар ойим» мадрасасида, сүнг Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган (1864—65; 1875—76). 1876 йилда Қўқонга қайтгач, ер қурилиши маҳкамасида мирзалик қилган. 70-йиллар охириларида Қўқонга қайтган ва ижод билан шуғулланган. Отаси вафотидан сүнг моддий ахволи оғирлашгач, «Ҳазрат» мадрасасининг кичик бир ҳужрасига кўчиб ўтган (1885), бутун умри қашшоклиқда кечган.

Бир неча бор Тошкентта саёҳат қилган (1887—88, 1892), Тошкентдаги янгиликлар билан танишган. Тошкент мадданий ва адабий ҳәётини чуқур ўрганган. Алмай, Нодим каби илғор руҳдаги ижодкорлар билан алоқа боғлади, ижодий ҳамкорлик қилган. Мұқимий яшаб ижод этган давр адабий ҳәёти мураккаб эди. Бундай мұхит Мұқимий ижодига кучли таъсир кўрсатди. Ижодининг илк даврида қисман шаклбозлиқ унсурлари, санъатпардоғолик майлларига берилеш ҳам учрайди. Лекин тезда бу хил анъаналардан воз кечиб, жамиятдаги иллатларга, эскилиқ ақыдаларига танқидий назар билан қаради. Навоий, Жомий, Низомий ва Фузулийдан ўрганди, улар ғазалларига мухаммаслар боғлади. Жомийни ўзига устоз билди. Үзбек, форс мұмтоз шоирлари анъаналарини давом эттириди. Үзбек адабиётида демократик йўналишнинг вужудга келиши ва шаклланиши Мұқимий номи билан боғлиқ. У бошлиқ Фурқат, Завқий, Аваз, Комил каби илғор фикрли шоирлар ўзбек адабиети тарихида янги саҳифа очдилар. Мұқимий лирикаси чуқур оптимизм билан суғорилган, ҳәётийлик ушбу лириканинг асосий ва етакчи хусусиятларидан. Мұқимий реал мұхаббатни, инсонни куйлаган. Шеърларининг туб моҳиятини инсон кечинмалари, севинч ва аламлари, истак ва армонлари, курашлари ташкил этган. Уларда дўстлик, садоқат, самимият, вафодорлик, сабот ва матонат улуғланган ва булар орқали шоир кишиларда яхши хусусиятларни тарбиялашга интилган. Адолатли ва баҳтли замонни орзу қилган, шундай кунлар келишига ишонган («Келур охир сени ҳам йўқлағудек бир замон яхши» ва бошқа). Ҳасрат, шикоят, норозилик мотивлари мавжуд бўлган шеърларида ҳам келажакка ишонч, фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-идеаллари акс этган.

Мұқимий дунёқараси ва интилишлари билан мұхит ўртасидаги зиддият унинг ижодида танқидий йўналишни майдонга келтирган. Бу унинг ҳажвиётида кўпроқ акс этган. Ҳажвиёти мазмунан сатира ва юморга бўлинади. Сатираларида чор амалдорлари, айрим маҳаллий бойларнинг кирдикорлари очиб ташланган («Танобчилар» ва бошқа) «Сайлов», «Дар мазаммати замона» ва бошқада ўлкага кириб келаётган капиталистик ва файриахлоқий муносабатлар ҳамда уларнинг оқибатлари кўрсатилган. Баъзан, ўша даврдаги ҳукмрон қарашларга эргашиб, Дуки эшон ҳақида ҳам ҳажвий асарлар ёзган («Ҳажви ҳалифаи Мингтепа»).

От, арава, лой, пашша, безгак каби мавзуларда 30 га яқин ҳажвий асар яратган. Уларда шоир турмушнинг қолоқ ва чиркин томонлари, ижтимоий онгдаги нуқсонлар устидан кулган, мустамлакачилк азоби, ҳаробаликни заҳархандалик билан тасвирлаган («Девонамен», «Қўясмен» «Ҳайрон қилди лой», «Пашшалар», «Шикояти безак» ва бошқа). Бошқа бир қатор ҳажвияларида жамият ҳаётидаги ўзгаришларга янгича муносабат акс этган («Таърифи печ», «Ароба курсин», «Лой» ва бошқа).

Мұқимий ўзбек адабиётига ишчилар мавзуини олиб кирди, типлар галерейасини яратди («Масковчи бой таърифида», «Воқеаи Виктор» ва бошқа). Турли шахар ва қишлоқларга қилган саёҳатлари таассуротлари асосида 4 қисмли «Саёҳатнома» асарини ёзди. Асар енгил, ўйноки вазнда ёзилган, 4 мисрали бандлардан ташкил топган. Унда ҳалқ турмушининг оғирлигиги, қишлоқларнинг вайроналиги реалистик тасвирланган. Шоир яхшиликни маъқуллаб, гўзалликни мадҳ этган, камчиликлар устидан кулиб, танбех берган, ёвузиликни, турли иллатларни танқид қилган. Мұқимийнинг наср ва назмдаги мактублари эпистоляр адабиёт намунаси ҳисобланади. 10 шеърий, 20 га яқин насрый мактублари сақланган. Шеърлари кўлёзмалар, баёзлар, 20-аср бошларида литографияда нашр қилинган китоблар, Тошкент ва Питербургда босилган вақтли матбуот саҳифаларида бизгача етиб келган.

М. ижодини ўрганиш, асарларини тўплаш ва нашр эттириш у ҳаёт давридаёқ бошланган. Дастреб Остроумов «Девони Мұқимий» тўпламини (Т., 1907) нашр қилган, сүнг 1910, 1912 йилларда «Девони Мұқимий мaa ҳажвиёт» номи билан асарлари тўплами босилган. Кейинги даврларда F. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Зарифов, Ҳ. Ёкубов, Ҳ. Раззоқов, F. Каримов, A. Ҳайитметов ва бошқа Мұқимий ижодини тадқиқ этгандар. Шеърларидан намуналар чет тилларга таржима қилинган. Қўқонда ўй-музейни ташкил этилган. Фарғона вилоятидаги шаҳарча, Тошкент кўчаларидан бири, Үзбек давлат мусиқали драма театри Мұқимий номи билан аталади. Шоир ҳақида Собир Абдулла «Мавлоно Мұқимий» романни ва «Мұқимий» драмасини яратган. Мұқимийнинг аксарият ғазаллари ашулага айланган.

Суннатилла Аҳмедов

ЭЙ, ЁРИ ЖОНИМ

Ошиқ бўлибман, эй ёри жоним,
Васлингни излаб, йўқдур мажолим.

Бир йўқламайсан куйган қулингни,
Кўзлари жаллод, нозик ниҳолим.

Раҳм айла манга, эй бағри қаттиқ,
Дийдам тўла қон, эй шўхи золим.

Лаб ташналарга айла назора,
Қадди чу шамшод қоши ҳилолим.

Олдинг кўнгулни бир-икки сўзлаб,
Девона бўлдим, тўти мақолим.

Ҳар дам куярман, ёдимга тушсанг,
Бир кўрмагунча йўқдур мажолим.

Неча замондур, кўздин ниҳондур,
Ошиқ Муқимий, эй хаста ҳолим.

КИМ ДЕСУН

Ул тағофулпешаға ҳоли харобим ким десун?
Ҳажрида мундоғ мени кўрган азобим, ким десун?

Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,
Лаҳзаэ йўқ кечалар кўзларда хобим, ким десун?

Ўз кўмочига, масалким, тортадур кул ҳар киши,
Бас, куюб ишқида чеккан изтиробим, ким десун?

Куймаган бўлса бирор мөхру муҳаббат ўтиға,
Шамъдек то субҳ ўртаб табу тобим, ким десун?

Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар,
Йўлида жононими хайру савобим ким десун?

Гар қилич бошимға ҳам келса, дегайман ростин,
Сўзки ҳақ бўлса, саволимға жавобим, ким десун?

Дўстлар, сўрсанг ғизосидин Муқимий, эрта-кеч,
Қон шароб ичсан, жигарлардур кабобим, ким десун?

ЗУЛМ ИЛА ҚАҲРУ ҒАЗАБ

Зулм ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,
Ошиқи бечорага озор қилмоқ шунчалар.

Гул дебон севгон кишининг кўкрагига ниш уриб,
Хаста-ю маъюс этиб, афғор қилмоқ шунчалар.

Тўтии ширинахан ағёрларнинг базмида,
Бизга келганда гапирмай, зор қилмоқ шунчалар.

Сизга ким айди: муҳаббат аҳлини қил иҳтисоб,
Қўрқутиб ўй айбига иқрор қилмоқ шунчалар.

Гарчи келса, эски тўн, биздек дуогўйи фақир,
Камбағалнинг хирқасидан ор қилмоқ шунчалар.

Ҳар бало-ю, жабр келса, ёнмагай ҳаргиз, Муқим,
Ошиқ аҳлини урубон хор қилмоқ шунчалар.

ТОЛЕИМ

Оҳким, афсус, эмас ҳар ишда раҳбар толеим,
Вожгундур, имтиҳон қилдимки, аксар толеим.

Юз тарафдин еткуруб гарди кудурат, занги ғам,
Айлагай оинайи табъим мукаддэр толеим.

Ҳар неча қилсан тавалло – зори қилмас, илтифот,
Рўйигардон тескари, тобора бадтар толеим.

Рўзгорим тийра, иқболим забун, баҳтим қаро,
Бўлса равшан, бормукин тадбири дигар толеим?

Ногаҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонга салом,
Дафъатан икки қулоғини қилур кар, толеим.

ТАНОБЧИЛАР

Бўлди таажжуб, қизиқ ҳангомалар,
Арз этайн эмди ёзиб номалар.

Адл қулоги-ла эшит ҳлими,
Зулм қилур, баски, менга золими.

Үн ик(к)и ойда келадур бир таноб,
Үзгалара роҳату менга азоб.

Султон Алихўжа, Ҳакимжон – икав,
Бири хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гўё хаёл айлаки (қилмай нифок).

Ош есалар, ўртада сарсон илик,
Хўжа – чироқ ёғи, Ҳакимжон – пилик.

Бир-бирисига солишурлар ўрун,
Эрта-ю кеч ўпушид оғиз-бурун.

Саллалари бошларида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳама вақт уч қават.

Бирлари мўлтонинамо, ҳийлагар,
Бирларидур кунда пиху гавда хар.

Оғизлар мақтаниб, ўн беш қариш,
Майдасухан, эзма (чурук), занчалиш.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни йиғиб, воқиф этар зотидин.

Дерки: “Кўзунгга хали кал жўжаман,
Махдуми аъзамлик ўзим хўжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шохлиғ мазор,
Мухлисимиз мардуми аҳли диёр.

Ҳам яна Эрхубби бўладур тағо,
Аммамизнинг эрларидур Нураго.

Биби Убайда бўладур ҳоламиз,
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.

Хизр отамларга биродар эрур,
Чимлиғ азизлар менга додар эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,
Қирқингизга эмди берай бир қозон.

Манки, танобингға чиқибман келиб,
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Ўт қўюбон куйдурадурғон ўзим,
Ҳокимингу ўлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қилай,
Хоҳ карам бирла бошингни силай”.

Хўжа сўзини мунга бермай қарор,
Мардуми сахрои бўлур бекарор.

Дерки Ҳакимжони: “Аё, оқсоқол,
Бизни топибсан магарамким ўсол?

Хозир этинг тўрт нафар мардикор,
Тўғри қил, олдимга қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,
Баччаталоқ қишлоқиларни (урай).

Бир бурайин мўйилабимни чиқиб,

Торт танобини – жазоси – сиқиб.

Яхшилигингни фуқаро билмагай,
Холи булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини қиласай ўн таноб,
Юртингизни куйдурууб, айлай ҳароб.

Хоҳ ўлунг, хоҳ қолинг, баччағар”, —
Дебки, узангуга аёғин тираб.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён чопишиб.

Жам бўлиб айлаюбон маслаҳат:
- “Дўғмаға, - дер, - бир нима бериб жўнат!”

Ақча қўлида иқ(к)и-уч мўйсафид
Дерки: - “Бу назрингизу, бизлар – мурид”,

Зулм билан эллигу юзни олур,
Боз танобини дучандон солур.

Таги булар яхши-ю, бизлар ёмон,
Эл тамизидин ҳазар эт, алъамон.

Ўзга яна ғусса будурким, дейин,
Шунчаки бир қисса булардин кейин:

Қўшти Жалолхон деган ўғлин менга,
Деди: “Руқум ўргатасиз сиз анга”.

Юқлади ўғлини сенга, муҳтасар,
Бу дағи ортиқча (менга дардисар)...

Сўзни, Муқимий, керка этмак тамом,
Маззаси қолмас, узун ўлса қалом.

“Саёҳатнома”лардан

ҚЎҚОНДАН ШОҲИМАРДОНГА

Фарёдким, гардуни дун
Айлар юрак бағримни хун,
Кўрдики, бир ахли фунун –
Чарх анга қажрафтор экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим,
Хоҳи яёв, бўлсун отим,
Гоҳ сайр ҳам даркор экан.

“Ултарма”га қилдим юруш,
Йўлдош эди бир читфуруш,
Етдим жадаллаб вақти туш,
Бир дам қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,
Жаъми ёпинган бошга тўн,
Боқсамки, беш юзча хотун,
Воиз сўзин тинглор экан.

Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир “Қўштегирмон”лик киши,
Хўжа Исо бадкор экан.

Мағрур, хасису бешу кам,
Ҳар гапда юз ичгай қасам,
Тақжой олур моҳовдан ҳам,
Ҳожи ўзи мурдор экан.

“Дўрмонча”га кетдим ўтуб,
Ёқамни ҳар соат тутуб,
Ётдим ул оқшом ғам ютуб,
Дашти қароқчизор экан.

Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози, деди,
Қилғон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,
Бадкайф, очилмас кўзи.
Юқори бошидин тизи,
Эрмаклари кўкнор экан.

Сўрсам, дедилар: “Бўрбалиқ”,
Бирмунча эчкилар ариқ,
Келса киши еяр тарик,
Шому саҳар тайёр экан.

“Оқ ер”дин ўтдим, бойлари –
Олий иморат жойлари,
Мехмонсиз ўткай ойлари,
Келса бирор ночор экан.

Аммо назарда “Рошидон”,
Фирдавс боғидин нишон,
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулзуру экан.

Маъюс бордим “Зоҳидон”,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами, ичмай пиён,
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчок-мўрилар,
Табъинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

“Олтиариқ” қурсин ўшал,
Селларда қолдим бир маҳал,
Бўлдим ивиб, ёмғурда шал,
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбеху бўйнида ридо,
Чўкуб қочар зоги ало
Бир доғули айёр экан.

Хайру соҳо важҳига кар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Келса гадой ногаҳ агар,
Бир нон чиқиш душвор экан.

Кўрдим чукур “Чимён” эрур,
Ер остида зиндан эрур.
Душманлари меҳмон эрур,
Боги унинг тутзор экан.

Водил мақоми дилфизо
Кўчалари дилкүшо,
Анҳорида оби сафо,
Себарга обишор экан.

ҚЎҚОНДАН ФАРГОНАГА

Чун шаҳрдин чиқдим «Қудаш»,
Кўнгул бўлуб маҳзун-у ғаш,
Мажнунсифат, девонаваш,

Серчашма-ю кам чанг экан.

«Яйфан» агарчи хуш ҳаво,
Одамлари енгилнамо,
Бир-бирлари-ла доимо
Бўлар-бўлмасга жанг экан.

«Нурсух» каби бир жой кам,
Тушмай ўтиб қилди алам,
Олма, анор ўрнига ҳам
Боғида ток-у занг экан.

Кўп одамидин «Бешариқ»,
Боғларда экмишлар тариқ.
Етим ҳақи — гўшти балиқ,
Қилмишлари найранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,
Пурзўр кетмон урсалар,
Вақти намозга келсалар,
Масжид сорига ланг экан.

«Рафқон» ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан,
Салқин супа ҳой-ҳой экан,
Ким кўрса ҳанг-у манг экан.

Озодадин тўпори кўп,
Дукчисидин аттори кўп,
Чойхўридин кўнори кўп,
Бир раста нос-у банг экан.

Айвончалар мисли катак,
Бир йўлки, одам сиққудак,
Чит бирла бир ерда алак,
Бозори тор-у танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дўкон,
Қилди ашула бир жувон,
Эшак деманг, ундин ямон,
Ҳангтарда яхши ҳанг экан.

Қийғир кўтаргон уч йигит,
Ухлатмадилар бир минит,
Ҳам бошда тонг откунча ит
Фингшиб чиқиб, ванг-ванг экан.

Айлай саёҳат энди бас,
«Конибодом» қилмай ҳавас,
Ҳар ерда ётган хор-у хас,
Кўзга тикан якранг экан.

ҚЎҚОНДАН ИСФАРАГА

Афлок кажрафтор учун,
Ҳар дам кўнгул афгор учун,
Ҳўқанд танг-у тор учун,
Саҳро чиқиш даркор экан.

Бордим шаҳардин «Яккатут»,
Баққоли дузди бадбурут,
Бир танга соткай бир қурут,
Инсофи йўқ, таррор экан.

Қишлоқ жувони йиғлишиб,
Иссиғда ўйнашгай пишиб,
Ўтган тамошобин тушиб,
Сешанба кун бозор экан...

Мингбоши Эшдавлат акам,
Аммо куруқ савлат акам,

Қылса чиқим гар бир дирам,
Уйку қочиб, бедор экан.

«Яйған» каби толзор кам,
Йүқ соясида зарра ғам,
Зебо санам, қоши қалам
Жононлари бисёр¹ экан.

Дүўмалари ҳам хұб бажо,
Волоснойи ухдабуро,
Юрт ишларини доимо
Хайриятин күзлор экан.

«Нұрсұх» каби ҳам юрт йүқ,
Боғдор-у дәхқон қорни түқ,
Масжидлари ҳам күп улуқ,
Турфа фараҳ осор экан.

«Рафқон»ни бозор жойи танг,
Мұллолари чаққон, гаранг,
Омилари ҳам мулларанг,
Күйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп сотар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Берса гадога нон агар,
Минг йилда ҳам душвор экан.

Аммо «Работи» баччағар,
Йүқ ҳеч одамдин асар,
Бир подажойи гов-у хаи,
Чун оғули тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,
Бодом конига қараб,
Мирза Умарни сұрағлаб,
Хавлисида Нажржор³ экан.

Бұлғай үшал Бурхон омон,
Яхши йигитдур бегумон,
Хурсанд қилди ногаҳон,
Мингбоши Хол саркор экан.

Армонки, күпрак юрмадим,
Бир-икки ҳафта турмадим,
«Тикка Работ»ни күрмадим,
Пурфайз бузруквор экан.

Маңюс чиқдим «Исфара»,
Дил хаста, мажрух-у яра,
Иссикқа күйған қоп-қора,
Олти жиҳат күхсөр экан.

Анқор-у сой-у чүллари,
Үйнаб келодур сувлари,
Ширишки зардолулари,
Қанд-у асал бекор экан.

Шерсиз әмасдур бешалар,
Бордур саҳоватпешалар,
Қилманг ёмон андешалар,
Яхшилари ҳам бор экан.

Хожи Зухур ҳам ўрдада,
Сархавзапар, олий сада,
Борса агар бир ғамзада,
Жониғача эсор экан.

Бойваччасидур бадбуруш,
Түғри сўзи аччиғ-туруш,
Сил, эски бачча, чойфуруш,

Хоғиз Умар, Қаҳхор экан.

Бўлма ҳаловатга касал,
Оlamда йўқ бениш асал,
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурулғон дор экан.

Алҳамдуилло, бехатар,
Келдим, Муқим, айлаб сафар,
Музтар қолиб, кўрмай зарар,
Ҳақ бандасига ёр экан.

Фурқат (1859-1909)

Фурқат (тахаллуси; асл исмшарифи Зокиржон Мулло Ҳолмуҳаммад ўғли) (1859, Кўқон — 1909, Ёркенд) — тараққийпарвар шоир, мутафаккир, публицист. Маҳалласидаги мактабда савод чиқарган, мударрис ва котиблардан хаттотлик, араб тилини ўрганган. Мадрасада ўқиган (1873—76). Алишер Навоий ижодини, форс адабиёти намояндапари меросини чуқур ўрганган, форс тилини мукаммал ўзлаштирган. 1876 йилда Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳридаги савдогар тогасининг илтимосига кўра у ерга бориб, савдо ишларида унга ёрдамлашган, кейинчалик ўзи ҳам кичик дўкон очган. Айни пайтда билимдон зиёли сифатида кишиларнинг арз ва илтимосларини расмий маҳкамаларга аризалар шаклида битиб, мирзалик ҳам қилган.

Фурқат Янги Марғилонда ижодкор сифатида тўла шаклланди, ўз ғазалларига «Фурқат» тахаллусини қўйиб, шуҳрат қозона бошлади. Бу ерда ўтказилган йиллар Фурқатнинг ҳалқчил дунёкараши, илғор адабиестетик тушунчаларининг шаклланишида ҳам муҳим бир босқич бўлди.

80-йилларнинг бошларида Фурқат Кўқонга қайтиб, оила қурди ва, асосан, ижодий иш билан шуғулланади. Муқимиш ва Муҳими етакчи бўлган Завқий, Нодим, Нисбат, Муҳаййир каби ижодкорлар гуруҳи билан бевосита мuloқотда бўлади, улар уюштириб турадиган адабий мажлислар, шеърият кечаларининг фаол иштирокчисига айланади.

Фурқатнинг Кўқондаги бу давр ижоди тур ва мавзу, мазмун ва шакл ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам, сермаҳсуллиги жиҳатидан ҳам дикқатга сазовор. У мумтоз шеърият анъаналари руҳида кўплаб ишқий ғазаллар, мухаммаслар яратган. Алишер Навоий асарларига гўзал назира ва тахмислар боғлаган, унинг шеърларида ижтимоий руҳ ва замонавийлик тобора кенг ўрин эгаллай бошлаган (мас, «Бўлди» радифли мухаммаси ва бошқа шеърларида). Фурқат ҳалқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги ва иқтисодий начор ахволидан қайғирган («Не журм ўттики биздин, бунчалик Фарғона танг бўлди?...»)

Кўқон хонлигининг узилкесил тугатилиб, батамом мустамлакага айлантирилиши воқеасига боғлиқ ҳолда яратилган: «Демиши хон бир куниким, давру давронлар қаён қолди?» мисраси билан бошланувчи мухаммаси ҳам Фурқатнинг шу даврдаги ижоди маҳсулидир. Тожу таҳтдан, шаъну шавкат ва аъёнлардан маҳрум бўлган Худоёрхон номидан битилган бу асар ҳам шоир ижодида замонавий ижтимоий мавзу кенг ўрин эгаллаганининт исботидир.

Фурқатнинг ижодий меросида анъанавий шеърий турлар, ўзбек мумтоз адабиётидаги асосий мавзулар етакчи ўрин эгаллайди. Унинг ғазал ва мухаммаслари, боғлаган тахмислари узининг ҳаётийлиги, мусикийлиги, ниҳоятда самимийлиги билан ўқувчини мафтун этади. Фурқат шеърларида она-юрт табииати ва баҳор гўзаллиги, жўшқин севги-муҳаббат ва чин инсоний фазилатлар, ҳаёт шодликларидан қувониш ва турмуш ташвишларидан шикоят қилиш, умуман, одам ва олам, кишиларнинг маънавий дунёси, меҳри ва қаҳри яқол тасвирланган. Масалан, «Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса», «Умр хуш ўтмас баҳор айёми сахро бўлмаса», «Сурмадин кўзлар қаро, кўллар хинодин лоларонг», «Жанннатнинг гулларидан гулзорингиз чиройлик», «Кўнгул дардиға топмай бораман ҳаргиз даво истаб», «Фасли навбаҳор ўлди кетубон зиминостлар» каби мисралар билан бошланувчи ғазаллари, «Етти фалак», «Бири», «Истар кўнгул», «Дўст», «Коқулунг» радифли мухаммаслари, Навоий ғазалларида тахмислари давр шеъриятининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан етук намуналари ҳисобланади.

Фурқат шеъриятида мустамлака тузумининг иллатларини қоралаш, жорий адолатсизлик ва зўравонлиқдан, ҳуқуқсизлик ва начор ҳаётдан, нодонларнинг замонада эътибор топиб, доноларнинг хорзор этилишидан норозилик эсда қоларли бадиий бўёқларда тасвирланган.

«Чархи кажрафторнинг бир шевасидан доғмен:

Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур»

каби баркамол мисралар шоир ижодидаги ижтимоий йўналишни акс эттиради. «Бормасмиз» радифли шеърида эса ўзбек миллий руҳияти бадиий ифодаланган. Машхур «Сайдинг қўябер, сайёд...» мусаддасида эса шоир шахснинг эркин яшаш ҳуқуқини ҳимоя қиласи, зулм ва истибдодни қатъий қоралайди.

Фурқат худди шу йилларда «Хаммоми хаёл» рисоласини ёзади. «Чор дарвеш» ҳикоятини форсчадан таржима қиласи. «Нуҳ манзар» номли шеърий китоб яратади. «Булардин бўлак ҳар хил ғазалиётим Фарғона музофотига (яъни, ёнатроф қишлоқшаҳарларида) ва дигар мамлакатларга мунташир (машхур) бўлди», деб ёзади шоир. Худди шу йилларда Фурқат илк бор шеърларини тўплаб, мажмуя ҳолига ҳам келтирган. Афсуски, шоирнинг ўзи қайд этган рисола, манзума ва таржималари каби бу мажмуя ҳам шу кунга қадар топилган эмас.

Фурқат тахминан 1886—87 йилларда Марғилонга бориб, у ердаги Масжиди жоме ҳужрасида истиқомат қилган, ёру биродарлари кўмагида кичик дўкон очган бўлсада, асосан, шеърият билан шуғулланган, шаҳарнинг зиёлилари, жумладан, Хўжажон Рожий, Муҳаммад Умар Умидий-Ҳавоий, Мулла Тошболту Ройиқ каби ижодкорлар билан танишиб, адабий сұхбатлар курган. Фурқат илк бор газета билан танишиб, унинг «Тошкент шаҳрида босма бўлғон» лигини шу ерда билади. Янгиликка чанқоқ, тараққийпарвар шоирда ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришларга, секинаста ёйила бораётган фан ва техника намуналарига қизиқиши уйғонади, янгиликлар билан бевосита танишиб, ўз кўзи билан кўриш иштиёқи зўрайди. 1889 йил бошларида Тошкент сафарига чиқади, Хўжандда тўхтаб, Тошхўжа Асирий бошлиқ шоирлар, адабиёт мухлислари билан учрашади, адабий кечаларда иштирок этади. Ниҳоят, 1889 йилнинг июнида Тошкентга келади. Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси ҳужраларидан бирида яшайди. Кўзга кўринган

олим, фозиллар билан танишади. Шарифхўжа эшон тавсияси билан маълум муддат «Фарҳат» (шодлик, хурсандлик) таҳаллусида шеърлар ёзди, лекин кўп ўтмай, эски таҳаллусига қайтади. Фурқат Тошкентда рус зиёллари, европача ҳаёт тарзи билан танишди. Чор маъмурлари шоирнинг театр, гимназияга, турли концертларга киритишни уюштирилар, кўргазмаларга олиб бордилар. Янги тарихий шароит туфайли юз берган ўзгаришларни мушоҳада этиш натижасида Фурқат дунёкарашида жиддий ўзгариш бўлади ва бу ҳол унинг ижодида ўз бадиий ифодасини топади — маърифатпарварлик, европача илм-маданият, фан-техникага хайриҳолик шоир шеърларининг етакчи ғоясига айланади. Бу эса Фурқатнинг кўп асрли ўзбек адабиётига янги мавзулар, янги ғоялар олиб киришига замин бўлди. Тошкентда очилган эрлар гимназияси, маориф муассасалари, маданият ва санъат ўчқоларини, тобора кўпроқ кириб келаётган фантехника янгиликларини кузатиш оқибатида унинг «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шахрида бўлғон нағма базми хусусида», «Суворов» ва бошқа асарлари майдонга келди ва уларнинг барчаси 1890 йилларда «Туркистон вилоятининг газети»да чоп қилинди.

Бу туркум асарларида Фурқат янгилик ва тараққиётнинг, илм-фан ва европача маориф-маданиятнинг тарғиботчиси сифатида намоён бўлади; ўз ватандошларини замонавий билимларни пухта эгаллашга ва илғор ҳалқлар қаторидан ўрин олишга даъват этади. Бирок Фурқат айрим замондошлари сингари рус истилочилик сиёсатининг асл моҳиятини бирданига англай олмади. Рус, Европа маданиятпарварлиги орқасида маҳаллий руслаштириш сиёсати пинҳон эканлигини сўнгроқ тушуниб етди. Худди шу йилларда яратилган «Шоир аҳволи ва шеър муболагаси хусусида» асарида Фурқат ижодкор ва бадиий адабиёт хусусида ран очиб, шеъриятда реалистик тасвир масаласини кўтарди. Фурқат ҳакли равиша ўзбек публисистикасининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Фурқатнинг публисист сифатидаги фаолияти 1890 йилдан бошланди. «Туркистон вилоятининг газети»га расман ишга кирди, газетани тайёрлашда бевосита катнашди. Бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида Сатторхон каби илғор маърифатпарварлар билан ҳамкорликда ишлаб, газета саҳифаларида ўз мақолаларини эълон қилди. Масалан, 1891 йил 1-ярмида «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзгони» публисистик асарини ёзиб, шу газетада эълон қилди. 1891 йил майда Самарқандга борди, осори-атиқалар билан танишди, газетага хабарлар йўллади, кейин Бухорода бўлди. Июлда эса чет эл саёҳатига чиқди. Унинг чет элга саёҳати ҳақида турли таҳминлар бор. Айрим маълумотларга қараганда, у атайн кейтиб келмайдиган қилиб ўз юритдан чиқарип юборилган. Хуллас, 1891 йилнинг июлида Марв — Ашҳобод—Боку—Батуми орқали Истанбулга борди. Дўстларига ёзган мактубларида, воқеаларни олдиндан билгандек, ватанидан бир умр ажralиб қоладиган одамнинг кайфиятини акс эттириди. Масалан, Истанбулдан ёзган «Сабоға хитоб» шеърий мактубида Ватан иштиёқи, дўстлар соғинчи, турбат азоблари ва ёлғизлик мотивлари биринчи ўринга чиқкан.

Фурқат Истанбулдан Булғория ва Юнонистонга ўғди. Болқон ярим оролининг қатор шаҳарларида бўлди. 1892 йилнинг мартаиди Истанбулдан Ўрта денгиз орқали Арабистонга — Макка, Жидда, Мадина шаҳарларига борди. Маккадаги ҳаж зиёрати муносабати билан «Ҳажнома» асарини яратди. Сўнг Бомбайга келди, Ҳиндистоннинг қатор вилоятларига саёҳат қилди. Унинг бу даврда ёзган насрий ва назмий мактубларида тушкунлик, онаорт соғинчи ва изтироблари акс этган. «Адашғанман» радибли ҳамда «Кашмирда», «Булбул» деб номланувчи лирик шеърлар туркуми шу жиҳатдан ўзига хос ҳижронномадир. 1893 йил мартаиди Фурқат Кашмир ва Тибет орқали Шарқий Туркистонга бориб, Ёркенда турғун яшаб қолди. Оила қурди. Табиблиқдан хабардор бўлган шоир доривор ўсимликлар билан савдо қилувчи дўкон очди, ижодий иш ва хаттотлик билан шуғулланди. Фурқат доимо Ватанига қайтиш умиди билан яшади. Аввал бошлаган «Саёҳатнома» асари устидаги ишни Ёркенда давом эттириди. Лекин бу асар ҳануз топилгани йўқ. У ердан Тошкентга публисистик асарлар, турли мавзудаги хат-мақолалар, Фарғона ва Тошкентдаги ёрдўстларига мактублар йўллаб турган. Фурқат ўзбек матбуоти тарихида фелетон жанрини бошлаб берди («Ҳинд найрангбози Ёркенда», 1905).

Баркамол лирикаси, жозибали насли ва гублитсистикаси билан 19-аср охири ва 20-аср бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қушган Фурқат онаватанидан узоқда вафот этди. Унинг жасади Ёркенднинг Донгдор қабристонига кўмилган. 1990 йил шоир қабри устига мақбара курилган.

Фурқатнинг шеърлари китоб ҳолида дастлаб 1913 йилда Муқимиш шеърлари билан бирга баёз ҳолида тошбосмада босилган эди, 50—80-йилларда кўп бор нашр этилди. Шоир ҳаётни ва ижоди ҳақида қатор илмий асарлар ёзилди, диссертациялар ёқланди, опера либреттоси, киносценарий ва бошқа яратилди. Ўзбекистондаги бир қатор қишлоқ, туман, мактаб, кўча ва хиёбонлар, боғлар унинг номи билан аталади.

Абдурашид Абдуғафуров,
Бегали Қосимов

БАҲОР АЙЁМИДА

Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса,
Қилурга шарҳи ҳол, аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

Хазон айёмида ул тавба қилган бўлса ҳам майдин,
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймоншикан бўлса.

Булут қатра фишону, руҳафзо сабзалар хандон,
Ариғларнинг лабида сабзакори бир чаман бўлса.

Ҳаво ҳам мў'тадил, ҳавзи мусаффо, сүффаи дилкаш,
Оқар сув ғалт уриб, себарга узра мавжзан бўлса.

Сабуи лаъл бирлан шишаи байзоу олтун жом
Ўшал мажлисда соқий бир нигори сиймтан бўлса.

Гул узра андалибу, сарвнинг бошида қумрилар

Юзу қад ҳасратидин оху фарёд айлаган бўлса.

Киши тўбию кавсар, жаннатур ризонни не қилсун?
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса.

Суруру шодликни даҳр боғида нечук кўргай?
Камина Фурқатийнинг маскани байтул-ҳазан бўлса.

УМР ХУШ ЎТМАС

Умр хуш ўтмас баҳор айёми сахро бўлмаса,
Лолазор ичра бисоти айш барпо бўлмаса.

Ҳосил ўлмас бодау жом ила мийнодин мурод,
Жилвагар то соқийи гулчехра андо бўлмаса.

Базм аҳли бўлсалар майхоралар анда зариф —
Дарди йўқ ағёр ўшал мажлисда аспло бўлмаса.

Даҳр гулзорида хушдир яхши таъмири бисот,
Гар ҳазондин гарди ҳодис анда пайдо бўлмаса.

Обиҳайвон бирла умри жовидонни не қилай
Бир хати Хизру лаби лаъли Масиҳо бўлмаса.

Хок бўлсун ул танеким, ишқ ўтида куймаса,
Зерипо бўлсун сареким, анда савдо бўлмаса.

Фурқат айлар орзу бу анжуманини ҳар баҳор,
Одам эрмас ҳар кишида бу таманно бўлмаса.

ОҲИСТА-ОҲИСТА

Вафо айлаб йироқдин ошкор оҳиста-оҳиста,
Бир ишқим айладинг, жоно, ҳазор оҳиста-оҳиста.

На яхши марҳаматлар айламишсан номада изҳор;
«Муҳаббат расми қилғил» деб шиор оҳиста-оҳиста.

Жадал бирла киши мақсадиға етган эмас, оре,
Бўлур вақти билан ҳар навъ кор оҳиста-оҳиста.

Нечук тоқат қиласайим, бора-бора зўр этиб ишқинг,
Кўнгулдин олди сабр ила қарор оҳиста-оҳиста.

Бериб таскин кўнгулға: васлига бир кун етарман деб
Ўзимни ўргатай ҳажрингга, ёр, оҳиста-оҳиста.

Паришон ўлмайин то хотирингни жамъи қил, жоно,
Сўраб ҳолимни хат бирлан бирор оҳиста-оҳиста.

Нечук осойиш айлай, эй кўнгул оромиким, сенсиз
Бўлуб борур жаҳон кўзимға тор оҳиста-оҳиста.

Ўшал кун бир кўриб қолганда қилган новаки ғамзанг
Ҳануз айлаб келур кўксим фигор оҳиста-оҳиста.

Висолинг бодасидин қилмасанг шодоб Фурқатни,
Хабар айлар ани ҳажру хумор оҳиста-оҳиста.

РУХСОРИ АҲМАР УСТИДА

Терму тоби бодадин рухсори аҳмар устида?
Қатра-қатра ёки шабнамдуру гули тар устида?

Ўсмалиқ қошларму ё шамшир қондин зангилик?
Ёки пистоқи тўкулмиш ранги аҳзар устида.

Юз уза кокулмидур ҳар сори печутоб ила?
Ганжи ҳуснингму ётур ё икки аждар устида?

Чехра очтингму бу тадбир-ла чаманда толдилар,
Хаста булбул гул уза, қумри сановбар устида?

Хоки пойингни талошур кўзга эл сурмоқ учун,
Оре, ҳар ерда ҳужум айлар гадо зар устида.

Икки жоду наргисинг солғай жаҳонға фитналар,
Бўлмаса урён қошингдин икки ханжар устида.

Нозанин, сен ташла истиғнони, худ бори гарон,
Ноз дебоси назокат хулқ пайкар устида.

Фурқатий қошу кўзингдин фитналар кўрди бале!
Шўриш ўлмоқ расмдур ой туғса ахтар устида.

КАШМИРДА

Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.

Зарра-зарра зар сочар бошиға ҳар кун офтоб,
Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи иксирда.

Бир кўриб ҷоҳи зақан Ҳорут ила Морут иков,
Ҷоҳи Бобил ичра қолмишлар бўлак тадбирда.

Ламъаи қийғоч кўзидин анинг барқи нигоҳ,
Тезлик жавҳарлари гар бўлса ҳар шамширда.

Қоши узра холининг асроридин бир нуқтадур,
Сураи Нун ўқудим пайваста ҳар тафсирда.

Фориғ эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,
Зулфига дилбасталиғ ҳар бир жувону пирда.

Айдим: «Эй, жон офати, зулфингга бўлмишман асир!
Айди: «Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»

«Нуқта лаб устида бежодур»,— дедим, айди кулиб:
«Саҳв қилмиш котиби кудрат магар таҳрирда».

Айди: «Эй бечора, қилдинг на учун тарки ватан?»
Ман дедим: «Ғурбатда Фурқат бор экан тақдирда!»

КАВЛАМА

(Машраб ғазалига мухаммас)

Ошиқи дилдодадурман дилбаримни кавлама,
Ахгар ўлди ғам ўтида пайкаримни кавлама,
Сайр қилдим баҳру бар хушку таримни кавлама,
Эй сабо, ғамзодадурман, бистаримни кавлама,
Чун шафақ олудаман хокисторимни кавлама!

Чархи кажрафтордин беҳад аломатлар келур,
Бу сабаб қўздин юза ашки надоматлар келур,
Гар юракни қўзғасам ширин ҳикоятлар келур,
Ҳар замоне Лайлидин менга китобатлар келур,
Санки Мажнун бўлмасанг сардафтаримни кавлама!

Ғамдин озода билур озодаларни ҳолини,
Йўқса мискин на билур шаҳзодаларни ҳолини
Хурдадонлар билмадилар соддаларни ҳолини,
Хонавайронлар билур афтодаларни ҳолини.
Эйки маҳрам бўлмасанг ҷашми таримни кавлама!

Ишқ савдоси тушуб бошимға, аҳволим ҳароб,

Жоним айлар тан аро сиймоб янглиг изтироб,
Таъна қилма, зоҳидо, кўнглумда ғамлар беҳисоб,
То кишига дард тегмай бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса дарди саримни кавлама!

Гаҳ ўзимни сувға урдум, гоҳ ўтга дам-бадам,
Бўлмади даврон сафоси лаҳзаэ бошимга кам,
То шариатни тутуб қўйдум тариқатга қадам,
Баҳри раҳматга кприб қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин бехабарсен, гавҳаримни кавлама!

Чун қадам қўйдунг бу йўлға бўлма бематлаб вале,
Фахри зиллат бўл, талашма гурбати мансаб вале,
Фурқатий, саргашта бўлсанг, ийғлагил ҳар шаб вале,
Дурри дарёйи маоний бўлду чун Машраб вале,
Дийда бино бўлмасанг кўб жавҳаримни кавлама!

САЙДИНГ ҚЎЯБЕР, САЙЁД

Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домипи бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Иқболи нигун, баҳти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек.
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Кес риштаниким, қилсун чаппаклар отиб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста.
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста,
Кел, қўйма бало доми бирла они по баста,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Охулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмғур суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққинга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек.
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Саргашта бу водийда бир бошнға раҳм эткил,
Йўқ тоқати бандингга, бардошига раҳм эткил,
Ийғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил,
Ҳижрон ўқидип жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Ахир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?
Чиқмай деса жойидин, узлатда фигор ўлса,
Гар чиқса баногоҳи домеға дучор ўлса,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйнини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдиргали чоғлабсан,
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Йўқ ҳуши, пари теккан девонаға ўхшайдур,
Қўз ёши яна тўлган паймонаға ўхшайдур,
Ғам сели билан қўнгли вайронаға ўхшайдур,
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронаға ўхшайдур,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.